

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон Фармонида 2021 йилдан бошлаб олис ва чекка ҳудудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга врачлар “Қишлоқ шифокори” дастури асосида ишга қабул қилинганда уларга камида 3 йил ишлаб бериш шарти билан 30 миллион сўм миқдорида бир марталик пул маблағлари, уй-жойи бўлмаганларга эса 3 йил давомида хизмат уй-жойлари берилиши ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳар ойлик ижара тўловлари Давлат бюджетидан компенсация тўлаш белгиланган.

Шу муносабат билан Сурхондарё вилоятидаги олис ва чекка ҳудудда жойлашган 35 та маҳалладаги оилавий поликлиника ва оилавий шифокор пунктларида 14 нафар врачларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун ҳозиргача 11 нафар врачлар ишга қабул қилинди.

Шунингдек, вилоятнинг олис ҳудудлари рўйхатига киритилган Бойсун туманидаги “Мачай” оилавий шифокорлик пунктига қарашли “Қизилнавр” маҳалласига 1 нафар, “Кўргонча” оилавий шифокорлик пунктига қарашли “Хўжаидод”, “Деҳибола” ва “Ўрмончи” маҳаллалари аҳолиси учун 2 нафар умумий амалиёт врачларига эҳтиёж мавжудлигини инобатга олиб, “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида ишга таклиф этамиз.